2016 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (13.251)

Баҳоси эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим давом этди. 5 сентябрь куни вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасалари жамоалари, жамоатчилик вакилларининг қадами узилмади.



Бу ерга келувчилар Сенат биносига ўрнатилган Президентимизнинг портрети олдида бош эгиб, пойига гуллар қўйди. Турнақатор бўлиб тизилган одамлар юз-кўзида, нигоҳида ўз раҳнамосига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, юксак ҳурмат-эҳтиром билан бирга оғир йўқотиш туфайли чуқур қайғу ва аччиқ кўз ёшлар...

– Президентимиз Ислом Каримов халқимизни нафақат мустақилликка олиб чиқди, балки уни мустаҳкамлаш йўлида бутун борлиғини бахшида қилди, – дейди пойтахтимизнинг Олмазор тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Абдумўмин Каримов. – Ёшим тўқсонга яқинлашди, лекин бундай халқпарвар, доно ва довюрак раҳбарни кўрмаганман. Собиқ тузум даврида вайрон бўлган қадамжолар Юртбошимиз раҳнамолигида қайта тикланди. Дину диёнатимиз ўзимизга қайтди. Бундай савобли ишлари билан Ислом Каримов ҳаётлигидаёқ ўзига боқий ҳайкал ўрнатганди. У кишини нафақат биз, балки неча асрлар давомида авлодларимиз ҳам юксак эҳтиром билан хотирасида сақлайди.

– Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини топди, дунёда ўз ўрнига эга бўлди, – дейди Шайхонтоҳур тумани Кўкча дарвоза маҳалласида яшовчи Бону Раҳимова. – Бугун байроғимиз халқаро майдонда, жаҳон ареналарида ҳилпираганда кўксимиз ғурурга тўлади. Буларнинг барчасида доно давлат раҳбаримиз Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс. Ҳозир юракларимизда шундай чексиз қайғу борки, буларни сўз билан ифода этиш қийин.

– Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг ҳар бир вакилини чин юракдан яхши кўрарди, – дейди



юнусободлик Людмила Проценко. – Буни ҳис қилганмиз, биз ҳам уни доим яхши кўрганмиз, қадрлаганмиз. Айниқса, миллатлараро тотувлик муҳитини яратгани, бу масалага юксак даражада доим эътибор қаратгани мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлади. Юздан зиёд миллатни бир байроқ остига бирлаштирди, бир мақсад сари бошлади. Бу борада Ислом Каримов бошлаб берган хайрли анъаналарни давом эттириш, уларнинг "Ўзбекистон – умумий уйимиз!" деган даъватини авлодлардан-авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз.

– Президентимиз Ўзбекистонни дунёда тенглар ичра тенг қилиш бимолар гирдобида қолган бу тупроқ истиқлол туфайли эътибор топди, гуллаб-яшнади. У ерда туғилиб ўсган истеъдодлар жаҳон саҳналарига, спорт ареналарига чиқди. Бу йўлда қилинган хайрли ишлари ҳеч қачон унутилмайди, асрлар оша яшайди.

– Юртбошимиз ҳар бир ўғил-қизга оталарча меҳр-эътибор кўрсатгани, уларга дунёда тенги йўқ шарт-шароитларни яратиб бергани тарих зарварақларига мангу муҳрланади, – дейди Учтепа туманидаги 251-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Муҳайё Пирматова. – Чунки мустақиллигимизнинг йигирма беш йили давомида бу йўлда қўйилган мустаҳкам пойдевор йиллар ўтгани сари ўз самарасини бераверади. Фарзандларимиз халқаро фан олимпиадалари, олимпиада ўйинларида ўнлаб медалларни қўлга киритмоқда, бу муваффақиятларимизнинг салмоғи бундан кейин янада ошиб бораверади. Халқимизнинг нафақат бугунги, балки келажакда эришажак ғалабалари ҳам Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлади.

– Президентимиз бизга доим азиз фарзандларим, деб мурожаат қилганлари қалбимиздан чуқур жой олган, – дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Орифжон Асқаров. – Биз буюк Юртбошимизга ўхшашга, у кишининг ишончини оқлашга ҳаракат қилганмиз. Бизнинг келажагимиз йўлида доим куйинган, барча шароитни муҳайё этган Президентимиз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга интиламиз.

– Ўзбекистонда истиқлол туфайли тадбиркорлик ривожланиши, хорижий инвестицияларга кенг йўл очилиши Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқ, – дейди Германиянинг "Siemens" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Искандар Бўронов. – Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, қулай ишбилармонлик муҳити хорижлик ҳамкорларни жалб этиб келмоқда. Компаниямиз ҳозирги кунда Устюрт газ-кимё мажмуаси ва бошқа йирик корхоналар билан самарали технологик ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу буюк инсон бошлаган хайрли ишлар янада самарадорлик билан давом этишига ишонамиз.

– Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ичида ўз ўрнига эга бўлишида Президент Ислом Каримовнинг ўрни ва роли беқиёс, – дейди Жанубий Кореянинг "Neworold" компанияси раиси Ли Сунг Ҳи. – Бугун Ўзбекистон ҳар жиҳатдан тараққий этмоқда. Муҳташам бинолар, обод кўчалар, халқнинг фаровон турмуши шундан далолат беради. Ислом Каримовнинг вафоти Ўзбекистон халқи учун оғир йўқотиш бўлди. Чунки халқ ўз Президентини севарди, ҳурмат қиларди. Бугунги маросимлар, одамлар юзидаги маҳзунлик буни кўрсатиб турибди. Биз ҳам дардингизга шерикмиз.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Европа Кенгаши Президенти – **Дональд Туск**

Франция Республикаси Президенти – **Франсуа Олланд**

Италия Республикаси Президенти – **Сержо Маттарелла**

Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгашининг Раиси – **Рауль Кастро Рус**

Кувайт Давлати Амири – **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти – **Абдул Ҳамид**

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири – **Шайх Ҳасина Вазед**

Бруней Доруссалом Султони – **Ҳожи Ҳассанал Болкияҳ**

Бруней Доруссалом Бош вазирининг офиси вазири ва иккинчи ташқи ишлар ва савдо вазири – **Пехин Дато Лим Жок Сенг**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти – **Чан Дай Куанг**

Исроил Давлати Президенти – **Реувен Ривлин**

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири – **Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**

Буюк Британия Парламенти аъзоси, ташқи ишлар вазири – **Борис Жонсон**

Малайзия ташқи ишлар вазири ўринбосари – **Дато Сри Риизал Мерикан бин Найна Мерикан**

Малайзия ишбилармонлар ва саноатчилар ассоциацияси президенти – **Дато Муҳаммад Изат Амир**

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби – **Ийяд Амин Маданий**

"Газпром" компанияси бошқаруви раиси – **Алексей Миллер**

Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, "Дойче Кабель АГ Тошкент" қўшма корхонаси инвестори – **Фальк Порше**

Испания Конгресси депутати – **Хосе Мария Чикийо Барбер**

Саудиялик ватандошлар.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

ЭЛУ ЮРТГА БАХШИДА УМР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, мустақиллигимизнинг асосчиси Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар, адабий-бадиий нашрлар ходимлари иштирок этди.

Тадбир аввалида Президентимиз портрети пойига гуллар қўйилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, адабиётшунос олимлар Б.Назаров, У.Норматов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Х.Тўхтабоев, Э.Аъзам ва бошқалар Ислом Каримовнинг халқимиз олдидаги буюк хизматлари, адабиётни равнақ топтириш, миллий ўзлигимизни юксалтириш йўлидаги кўрсатган фидойилиги ҳақида сўзлаб, у кишининг вафоти Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда оғир йўқотиш эканини чуқур қайғу билан таъкидлади.

Ислом Каримов республикамизга раҳбар бўлиб келган давр халқимиз тақдирида ўта оғир, масъулиятли йиллар эди. Нафақат эркинлигимиз, балки миллийлигимиз, тилимиз, динимиз, ўзлигимиз ҳам ҳалокат ёқасида турганди. Шундай мураккаб шароитда Ислом Каримов ташаббуси, фидойилиги билан ҳали мустақилликка эришилмай туриб, "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Миллий байрамларимиз, дину эътиқодимизга янгидан ҳаёт бахш этилди. Адабиётимизни равнақ топтириш борасидаги ишлар амалга оширила бошланди.

Юртбошимиз "Адабиёт масаласи – маънавият масаласи" деган шиорни илгари суриб, бу эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этишга раҳнамолик қилди. Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, адабиёт майдонига кириб келаётган ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш борасида барча шароит яратилди. Буюк мутафаккир аждодларимизнинг маънавий меросини асраш, келажак авлодларга етказиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

– Президентимизнинг маънавиятимизни юксалтириш борасида кўрсатган юксак фидойилигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин, – дейди адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев. – Масалан, пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" хиёбони барпо этилиши жараёнидаги ҳаракатлари асло кўз олдимиздан кетмайди. Юртбошимиз тиғиз давлат ишларидан ортиб, ушбу музейни ташкил этиш жараёнини доимо кузатиб борган. Музей экспозициясини қандай асосда тузиш, унга қандай ҳужжатларни қўйиш, қандай тарихий манбаларга таяниш ҳақида берган йўл-йўриқларини эшитиб лол қолганмиз. У киши нафақат сиёсат ва иқтисод, тарих соҳасида ҳам чуқур билимга эга эди. Она халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳақида билим ва тушунчалари ниҳоятда юксак эди. Халқимизга ана шундай улуғ зот раҳнамо бўлгани бизнинг бахтимиз. Ушбу бахту саодатимиз абадий бўлиши учун улуғ Йўлбошчимиз бошлаган ислоҳотларни муносиб давом эттириб, Юртбошимизнинг руҳларини доимо шод этишимиз керак.

Бутун умрини элу юртимиз равнақи, бахти учун бағишлаган буюк инсон Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири



Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намойиши

МАҲАЛЛА — КАТТА ОИЛА

Мустақиллик йилларида маҳалла институти жамиятимизда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Бу албатта мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланиш ва тараққиёт йўли — давлат идоралари ўрнини жамоат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан босқичма-босқич эгалланиши "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" қўйилган илк қадамлардир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг ташкилий асослари янада такомиллаштирилгани самарасида маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланди.

Бугун маҳаллаларда мамлакатимизда тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, аҳоли ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, яхши қўшничилик ғояларини тушунтириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

— Маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт иллатлардан, оммавий маданият таъсиридан асраш шу ҳудудда истиқомат қиладиган ҳар бир кишининг виждон ишига айланиши керак, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Ҳувайдо" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Султонова. — Маҳалламизда 3062 нафар аҳоли тинчлик-тотувликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Биз фаолиятимиз давомида шу билан бирга камхарж оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганларга ёрдам кўрсатиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Мақсадимиз ягона — Ватанни янада обод этиш, тинчлик ва барқарорликни сақлашга ҳисса қўшиш, турмушимизни янада яхшилашга интилишдир.

Маҳалла — муқаддас даргоҳ. Бу қутлуғ масканда оилалар тинчлиги, миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, маҳаллалар тимсолида халқимизнинг меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик каби ўлмас фазилатлари қарор топган.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАЛАРИ

XXI аср шиддатли туб ўзгаришлар даври эканлиги билан ажралиб туради. Бу эса тўлиқ равишда олий таълим тизимига тааллуқли бўлиб, унда жамиятнинг фан ва таълим сифатига талаблари ошиб бораётганлиги, ўқитиш технологияларининг янгиланиб бораётганлиги, таълим ва илмий муассасаларининг ташкилий ва иқтисодий шароитлари тез суръатда ўзгараётганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, таълим ва фан соҳаларининг узвий тизимининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Бу эса ўз навбатида, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос моделини татбиқ этиш жараёнини мамлакатни модернизация қилиш эҳтиёжлари, яъни республиканинг тараққиёти ва ривожланишининг истиқболларига йўналтиришни назарда тутади. Амалий нуқтаи назардан олганда, ҳар қандай таълим ва фан тизимининг самарадорлигининг асосий мезони бўлиб, уларнинг иқтисодиёт, сиёсат ва маданият соҳасидаги мамлакатнинг умуммиллий вазифаларининг ечимига қўшаётган ҳиссаси ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда икки босқичли олий таълим тизими шаклланган бўлиб, ягона таълим стандартлари ва таълим сифатига умумий талаблар ишлаб чиқилган, талаба ва мутахассисларнинг юқори даражадаги мобиллигига эришилган, интегралашган ягона ўқув дастурлари яратилган ҳамда университетлар ва илмий муассасалар ўртасида мунтазам равишдаги алоқалар юзага келган.

Эндиликда фаннинг барча йўналишлари бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш мамлакатимиздаги барча илмий муассасалар ва ОЎЮларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиланишини тақозо этади. Бунда бугунги кунда илмий-тадқиқотларни ташкил этиш тизими ҳам жиддий ўзгаришларга учраганини ҳисобга олиш лозим. Агар илгари бу соҳада Фанлар академияси илмий муассасалари етакчи мавқега эга бўлган бўлса, бугунги кунда бу вазифа ОЎЮни зиммасига тушган. Бу ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаган тизим сифатида кўриш мумкин.Илм-фаннинг тараққиёти ушбу янги механизмга мослашиши лозим. Бу механизмда биринчи навбатда илмий база ва унинг иштирокчилари профессор-ўқитувчилар, магистр ва талабалар таркиби кенгаяди, фаннинг ютуқларини таълим жараёнига кенг жорий этиш имконияти юзага келади, ОЎЮда нафақат педагоглар, балки илмий ходимлар тоифаси ҳам вужудга келади.

Бизнинг фикримизча, илмий кадрларни тайёрлашда етакчи таълим ва фан муассасалари иштирокида илмий-таълим консорциумлари фаолияти негизида қурилмоғи, бу эса амалиёт учун зарур долзарб мавзуларда илмий изланишларни олиб бориш самарадорлиги ошишида муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий изланишлар соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалаларига оид давлат идоралари ва олимлар ўртасида таклифлар тайёрлаш бўйича консультатив-маслаҳат Кенгашининг фаолият юргазиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Турли фанлар соҳасидаги изланишлар савияси ва самарадорлигини ошириш учун ўзаро манфаатли халқаро илмий алоқаларни йўлга қўйишни тақозо этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий изланишларни жаҳонга олиб чиқиш, фақат ўз давлатимиз доирасида чекланиб қолмай, хорижий мамлакатлар билан фаол илмий ҳамкорлик қилиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун, мамлакатимизда турли фан соҳасидаги тадқиқотчилари учун илмий иш олиб бориш жараёнида ривожланган давлатларда инглиз ва бошқа хорижий тилларда илмий мақолаларнинг чоп этилиши фанни янада ривожлантириш ва халқаро майдонга олиб чиқиш борасида муҳим қадам эканлиги шубҳасиз. Аммо баъзи хорижий нашрларда мақолаларни чоп этиш учун тегишли бадал, юқори даражадаги оригинал мақолаларни хорижий тилларга ўгириш учун ёш тадқиқотчиларда тегишли маблағларнинг йўқлиги бу борадаги тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Ўқув адабиётлари, илмий тадқиқотлар натижаларини нашр этиш соҳасида, улардан амалиётда фойдаланиш борасида ҳам муаммоларни ҳал этиш лозим. Ҳозирча ўқув адабиётлари ва монографиялар ҳомийлар кўмаги, муаллиф маблағлари ҳисобидан чоп этилмоқда. Чоп этилган адабиётларнинг давлат таълим стандартлари нуқтаи назаридан доимий мониторинги ҳам олиб борилиши лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, олий таълим тизимида юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш ва такомиллаштириш доимий жараён ҳисобланади. Шубҳасиз, бугун ана шу хайрли ишлар натижаси мустақил мамлакатимизнинг фан ва таълимининг жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топишида ишончли пойдевор яратилганидан далолат беради.

О.МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

ЯНГИ ЛОЙИҲА МАРКАЗЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда "Ўзинвестлойиҳа" республика инжиниринг компанияси ҳамкорлигида ҳудудларда илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилди.

Мамлакатимиз азалдан ўзининг ажойиб таъми, экологик тозалиги билан ажралиб турадиган мева ва сабзавотлари, полиз маҳсулотлари билан машҳур. Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг иқлимимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа давлатларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорларида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди.

Бу борада эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлашда "Ўзинвестлойиҳа" инжиниринг компанияси қошида ташкил этилган илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказларининг ўрни беқиёсдир. Улар, хусусан, ишлаб чиқарувчилар ҳамда қайта ишловчи корхоналарга экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ва хориждаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантиришда яқиндан кўмак беради. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортбоп, ҳосилдор навларини аниқлаш, бу навларни қайси ҳудудларда етиштириш, уруғ ва кўчатларни қаердан харид қилиш, кимёвий ўғит ва касалликка қарши дори воситаларидан қандай фойдаланиш борасида ҳам маслаҳатлар берилади.

– Биз тадбиркорларга мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишда хорижий бозорларда талаб этиладиган сертификат, лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлашни ҳам ўргатамиз, – дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бўлим бошлиғи Марат Жўраев. – Мутахассисларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий хорижий технологиялар асосида қайта ишлаш, уларни саралаш ва қадоқлаш бўйича маҳаллий тадбиркорларга тавсиялар бермоқда.

Ўзбекистон селекционерлари томонидан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ, мева ва резавор экинлар, узумнинг 175 янги нави яратилган. Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда янги ташкил этилган илмий-лойиҳа ишлаб чиқариш марказларида хорижий бозорлар конъюнктурасини чуқур ўрганиш, талаб ва таклифни таҳлил қилиш натижасида маҳаллий мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти учун янги имкониятларни аниқлаш, хорижий бозорларни ўзлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Реклама ўрнида

TURON BANK

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Банклар томонидан ажратилаётган кредитлар соҳа вакилларига янги технологияларни келтириш ва фаолиятини кенгайтиришларида жуда катта молиявий манба вазифасини ўтамоқда.



БАНК КРЕДИТЛАРИ КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

"Туронбанк" АТБ ва унинг филиаллари ана шундай банклардан биридир. Бугунги кунда мазкур банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, жумладан, ёш оилалар, тадбиркор аёллар, касб-ҳунар коллежи битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун қулай имконият ва афзалликларга эга бўлган кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар оилавий тадбиркорликка 5,2 миллиард, коллеж битирувчиларига эса 5,4 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Бунда, айниқса, оилавий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор минглаб оилаларнинг ўз оилавий бизнесини йўлга қўйишида катта кўмак бўлмоқда. Шунингдек, янги маҳсулотлар ва хизматлар турининг кўпайиши ҳамда бўш иш ўринларининг яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

– Пухта бизнес-режа тадбиркорликнинг муҳим шарти бўлса, сармоя уни ҳаракатлантирувчи кучдир, – дейди "ETALON MEBEL" оилавий корхонаси раҳбари Аҳрор Исмоилов. – Бу борада мамлакатимизда оилавий бизнесни юритиш учун кенг кўламли имтиёз ва имкониятлар яратилган. Истиқболли лойиҳаларимиз молия муассасалари томонидан доимо қўллаб-қувватланмоқда. Корхонамизда мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхонамнинг фаолиятини ҳам банкнинг сармояси ҳисобига ривожлантирганман. Шу кунга қадар банкнинг Яшнобод филиалидан 4 маротаба кредит олиб, турли хилдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганман. Ишлаб чиқаётган мебель жиҳозларимизни харидорларга етказиб бериш мақсадида корхонамиз фаолияти учун зарур бўлган юк машинаси сотиб олиш учун 77,3 млн. сўм кредит олиш мақсадида "Туронбанк" АТБнинг Яшнобод филиалига мурожаат қилган эдик. Мурожаатимиз қисқа муддатда кўриб чиқилиб, кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кредит ҳисобига сотиб олинган юк автомобили корхонамизнинг фаолиятида жуда асқотмоқда. Тўртта янги иш ўрни ҳам яратилди.

Якка тартибдаги тадбиркор Шуҳратилла Фарҳодов ҳам "Туронбанк" АТБнинг Миробод филиалидан кредит олиб ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйди.

– Тошкент Темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежини тамомлагач тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилдим, – дейди Шуҳратилла. – АТБ "Туронбанк"нинг Миробод филиалидан 20 миллион сўм кредит олиб ноозиқ-овқатлар чакана савдоси билан шуғуллана бошладим. Ўзим билан бирга яна бир киши иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирги кунда ишларимиз яхши. Ёш тадбиркорларга яратилган қулайликлардан фойдаланган ҳолда фаолиятимизни ривожлантириб бормоқдамиз.

Шунингдек, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга, хусусан, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам доимий эътибор қаратиб келиниб, кредитлар ажратилмоқда. Ушбу маблағлар асосан аёллар меҳнат қилаётган кичик корхона, фирмаларнинг ишлаб чиқаришини янада кенгайтиришга сарфланаяпти.

– Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган, юртимизда ишбилармон аёллар доирасининг тобора кенгаяётгани ҳам бевосита шу сабаблидир, – дейди "Имкон Термиз сурхон Текстил" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мавжуда Мажитова. – Бугунги кунда аҳолимизнинг сифатли кийим-кечак маҳсулотларига бўлган талаби юқори. Буни инобатга олган ҳолда корхонамизда аҳоли учун кийим-кечаклар, турли корхона ва ташкилотлар учун махсус кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда фаолиятимизни кенгайтириш ва хомашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Туронбанк" АТБдан 80 миллион сўм кредит олдик. Ушбу маблағ эвазига ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, маҳсулотларимиз сифат жиҳатдан яхшиланиб бораётир. Бешта янги иш ўрни ҳам ташкил этдик. Келгусида фаолиятимизни яна кенгайтириб, маҳсулотларимиз турини кўпайтириш ниятидамиз, бунда албатта "Туронбанк" билан ҳамкорлигимизни давом эттирамиз.

Бундан кўриниб турибдики, "Туронбанк" АТБнинг кредитлари тадбиркорлар, айниқса ёш тадбиркорлар ва тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантиришда, улар томонидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва бўш иш ўринларининг ташкил этилишида ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR KAMOLOT KENGASHI

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Бугунги кунда мустақил диёримизда ҳар бир авлодга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик кишини қувонтиради. Ўз ўрнида масъулият юклайди, бурчга садоқатга ундайди.



Ўзбекистон ёшлари имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда иқтидорларини намоён этаётганлари албатта мустақиллик шарофати билан эришилаётганини баралла айтиш жоиз. Мана шундай ёшларни бирлаштиришга ўз ҳиссасини қўшаётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам ўрни беқиёсдир.

"Камолот" ЁИҲ Яшнобод туман Кенгаши томонидан жорий йилда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш, истеъдодли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, спорт ва ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний тарбиясини ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳаларида қатор тадбирлар ташкил этилган.

— Ёшларнинг тарбиясида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати иштироки бирламчи ҳисобланади. Шу боис ёш авлодни истиқлол ғояларига чексиз садоқат, мамлакатимиз миллий манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган фидойилик, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда бугунги кунда мамлакат ва жаҳон миқёсида кечаётган мафкуравий жараёнлар юзасидан соғлом фикр тарзини шакллантиришга қаратилган турли тадбирлар ўтказилди ва бунда ўқувчи-ёшлар иштироки таъминланди, — дейди "Камолот" ЁИҲ Яшнобод туман Кенгаши раиси Бахтиёр Бахринов. — Жорий йилнинг июнь ойи давомида Кенгаш томонидан ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалар орасида спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларини шакллантириш ҳамда маънавий ҳордиқ олишларини ташкил этиш мақсадида "Ёзни "Камолот" билан" лойиҳаси доирасида тумандаги умумтаълим мактабларида турли тадбирлар, семинар-тренинглар, мусобақалар, кўрик-танловлар ташкил этилди. Жумладан, жорий йил тумандаги 166, 226 ва 307-мактабларда намунавий оромгоҳлар ташкил этилган бўлиб, уларга жами 405 нафар ўқувчи-ёшлар қамраб олинган. Бу оромгоҳларда мактабнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари фаолият олиб бордилар. Лойиҳа доирасида шашка ва шахмат мусобақалари, "Экология куни" лойиҳалари, "Дунё болалар нигоҳида" номли расмлар, асфальтга расм чизиш танловлари, "Соғлом она ва бола" йили муносабати билан расмлар танлови ва яна бир қатор лойиҳалар юқори савияда ташкил этилди. Бундан ташқари "Китоблар – яхшиликка етаклар", "Ёш мусаввир" каби танловлар, сув ҳавзаларида оромгоҳдаги болалар билан "Сув шоҳи" ўйинлари ўтказилди. Ўтказилган лойиҳаларда фаол иштирок этган ўқувчилар тақдирландилар. "Шахсий гигиена", "Ошқозон, ичак касалликлари" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундан ташқари тумандаги қолган мактабларда ҳам ёзги дам олиш майдончалари ташкил этилган бўлиб, буларда жами 1230 дан ортиқ ўқувчилар қамраб олинган.

Ҳаракат қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти, Сардорлар Кенгаши ва бошланғич ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш, сардорларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги Маънавият-маърифат марказида "Камалак" болалар ташкилоти сардорларининг анъанавий XV анжумани ўтказилди. Анжуманда туман ҳудудида жойлашган умумтаълим мактабларидаги фаол ўқувчилар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларидан иборат 900 нафар ўғил-қизлар иштирок этди.

Бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизда ўсиб, вояга етиб келаётган авлодни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмак бериш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Жорий йилнинг март-апрель ойлари давомида тумандаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари сардорлари ўртасида ўтказилган "Йил сардори" кўрик-танловининг туман босқичи ғолиби Хуршид Зоҳиджонов аввал танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 1-ўринни қўлга киритди. Кейин эса 20-28 май кунлари Қашқадарё вилояти "Лочин" оромгоҳида, "Камалак" болалар ташкилотининг XV республика анжумани доирасида бўлиб ўтган "Йил сардори" кўрик-танловида ҳам ғолибликни қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ёшлар фестивали юқори савияда ташкил этилди. Фестиваль доирасида 8 та лойиҳа амалга оширилиб, бу лойиҳалар туманда жойлашган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ҳамда маҳаллаларда ўтказилди.

Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортга қизиқишини орттириш, жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини кенг ўтказиш, шу билан бирга спортнинг оммавий турларини янада ривожлантириш, болаларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш ҳамда ёшларимизнинг жисмоний баркамолликка эришиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилди. Тумандаги барча таълим муассасаларида чекиш ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" мавзусида давра суҳбатлари, эрта турмушнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари, унинг салбий оқибатларини тушунтириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, амалга оширилаётган барча ишлар ёшларни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати атрофида бирлаштириш, уларни янада Ватанни севишга, шу юрт учун фидокорона меҳнат қилишга ўргатади.

Зиёда РАСУЛОВА

АКТ БЎЙИЧА ЎҚУВ-СЕМИНАР

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида "Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танлови ҳудудий босқичлари ғолиблари учун ўқув-семинар ўтказилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда бугунги глобаллашув замонида интеграция жараёнидан узилмай, дунё тамаддунига ҳамқадам ривожланиш, соғлом ахборотлашган жамиятни шакллантириш, миллий интернет сегментини бойитиш, миллий манфаатларга мос, ҳар томонлама фойдали сайтларни яратиш, кўпайтириш, ёш веб-ихтирочиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Бугун мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Интернет, мобиль алоқа ва бошқа кўплаб юқори технологияли маҳсулотлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётир.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга кўмаклашадиган, соҳани янги, замонавий босқичга олиб чиқадиган меъёрий-ҳуқуқий база изчил такомиллаштирилмоқда.

Жорий йилнинг 9 сентябрига қадар давом этадиган ўқув-семинарларда иштирокчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ватанимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшадиган миллий дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга доир билим ва салоҳияти оширилмоқда.

"Интеллектуал" ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танловининг мамлакат босқичини юқори савияда ташкил этишга, иштирокчиларнинг веб-ишланмалари, мобиль ва виртуал воқелик бўйича иловалари тақдимотига ҳар томонлама тайёргарлик кўрилмоқда.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналиши солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўриш, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилувчи солиқ имтиёзлари ва солиққа тортиш тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилгандир.

Биз биламизки, аҳоли томонидан тўланадиган солиқлар асосан уларнинг даромадлари ҳисобидан тўланади. Жисмоний шахслар даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиқлари шулар жумласидандир. Мамлакатимиз аҳолисининг айрим ижтимоий-иқтисодий заиф қатламларига солиқлар бўйича имтиёзлар берилган. Бу ўз ўрнида солиқларнинг адолатлилик принципига бориб тақалади.

Солиқ кодексининг жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича тегишли моддаларида жисмоний шахс даромадининг ипотека кредитини тўлаш бўйича йўналтирилган қисми шунингдек, 26 ёшгача бўлган фарзандининг ўқув контрактини тўлаш бўйича йўналтирилган қисми жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилиши айтиб ўтилган.

Эндиликда солиқ қонунчилигига, хусусан даромад солиғини ҳисоблаб чиқаришда, ҳеч бўлмаганда инсон ҳаёти, унинг соғлиғи учун ўта хавфли бўлган касалликларни даволашга ёки бу йилги Давлат дастурининг биринчи устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ўз фарзанди ва аёлининг соғлиғини сақлашга, асрашга қилинган харажатлар даромад солиғи базасидан чегирилиши тартибини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда бюджет даромадининг қарийб 55 фоизидан кўпи аҳолини ижтимоий ҳимояси учун ажратилади. Бу жараённи юқоридаги таклифни амалга жорий қилиш орқали бир мунча соддалаштириш мумкин бўлади, яъни аҳолининг соғлиғига йўналтирилган даромадини солиққа тортишда маълум бир чегирмалар бериш имкониятини киритиб, соғлиқни сақлашга йўналтирилган маблағларни солиқни ҳисоблаб чиқариш вақтида чегириш йўли орқали унинг ўзида қолдирсакда, давлатнинг соғлиқни сақлаш бўйича харажатларни камайишига эришган бўлардик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳолининг бевосита даромадларига таъсир қилувчи солиқлар бўйича юқорида қайд этилган қўшимча имтиёзни жорий қилиш ва мавжуд имтиёзнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ таклифимиз бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоясини оширишда солиқ сиёсатида хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда ижобий самара беради, деб ўйлаймиз.

Саидакмал ШОАБДУЖАЛИЛОВ

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва қатор тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Менинг бизнес ғоям" ҳамда "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловлари йигит-қизларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларнинг тадбиркорлик қилиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши томонидан ҳам бу борада ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Юртимизда ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тижорат банклари мутахассислари иштирокида жойларда семинарлар ўтказилиб, уларга бизнес режа тузишдан иш юритишгача бўлган барча жараёнларда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Битирувчилар билан суҳбатлашганимизда уларнинг аксарияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан коллеж битирувчилари учун ташкил этилган "Менинг бизнес ғоям" танловида иштирок этишларини ва албатта танловда ғолиб бўлиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш ниятлари борлигини таъкидлашмоқда. Бу эса келажак авлоднинг порлоқ мақсадлар сари одимлаётганидан дарак беради.

Гулноза ҚЎЧҚОРОВА,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати
Миробод тумани Кенгаши
"Ёш тадбиркор" консультатив
маркази координатори

Ёшлар – келажагимиз

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Юртимизда ўтган йиллар мобайнида барча жабҳалар қатори илм-фан, маърифат, маданият ва санъат соҳаларини равнақ топтириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилмоқда.

Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида турли соҳаларда кўплаб ютуқларни қўлга киритаётган ёшларимиз сафи кенгаймоқда. Шундай фикри теран, замонавий дунёқарашга эга бўлган ёшлар сирасига Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти магистри Рустам Чориевни ҳам киритиш мумкин. У ўтган йили Ибн Сино номидаги Давлат стипендияси стипендиати, "Камолот" стипендияси" совриндорига айланди. 2012 йил "Камолот" ЁИҲ Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти бошланғич ташкилоти факультет сардори, 2013 йилдан эса "Камолот" ЁИҲ Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти бошланғич ташкилот етакчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

— Мустақиллик — улуғ неъмат. Истиқлол ёшларга улкан имкониятлар эшигини очгани билан қадрли эканини ғурур ила тилга оламиз, — дейди Рустам Чориев. — Яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланаётган ёшлардан бири сифатида "Талабалар баҳори" фестивали доирасида ўтказилган илмий-амалий анжуман, "The Continued Development of Wrestling in the Olympic Movement" мавзусида ташкил этилган халқаро конференцияда иштирок этдим. Қўлга киритган ютуқларим сирасига "Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни" мавзусидаги талабаларнинг илмий-амалий анжуманида 1-ўринни эгаллаганим, "Йил кашфиёти — 2014" танлови ғолиби бўлганим, Ибн Сино номидаги Давлат, "Камолот" стипендиялари совриндорига айланганим, жорий йилда эса спорт устаси бўлганимни киритиш мумкин.

Ана шундай ёшлардан яна бири Асқаржон Ҳасановдир. У 2011-2015 йилларда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида "Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа" факультетининг Хорижий мамлакатлар тарихи йўналишида таҳсил олиб, 2015 йилдан шу институтнинг Хорижий мамлакатлар тарихи йўналиши 2-курс магистрантидир. А.Ҳасанов ўзининг масъулиятлилиги, тиришқоқлиги, ташаббускорлиги ва жамоатчилик ишларида фаоллиги билан бошқа талабалардан ажралиб туради. "Камолот" стипендияси" совриндорига айланган Асқар спортда кўплаб ютуқларни қўлга киритиб келаётган ёшлардан биридир. 2007 йил каратэ-до бўйича 1-дан қора белбоғ соҳиби, бир неча маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлган Асқар 2008 йил Италияда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида олтин медаль билан тақдирланди.

— 7 ёшимда онажоним спортнинг каратэ-до тури бўйича тўгаракка олиб борганлар, — дейди А.Ҳасанов. — Гайбулло ака Бойбеков устозимнинг йўл-йўриқлари билан кўплаб ютуқларни қўлга киритдим. Юртимизда спортга қаратилаётган муҳим эътибор ва шарт-шароитлар туфайли ҳамда устозимнинг саъй-ҳаракатлари билан туман, шаҳар, вилоят мусобақаларида юқори ўринларни эгалладим. Бу натижаларни қўлга киритишимда ота-онам ҳамда устозларимнинг роли катта бўлди. Ҳозирда институтда ўқиш билан бирга "Камолот" ЁИҲ Миробод туман Кенгашининг етакчи мутахассиси сифатида фаолият юритиб келмоқдаман. Миробод туман ҳокими, "Камолот" ЁИҲ Васийлик Кенгаши раиси қарорига асосан тумандаги 147-умумий ўрта таълим мактабида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари учун бепул "Камолот"-дан каратэ" тўгараги ташкил қилинган. Тўгаракда 70 га яқин ёшларга устозлик қилиб келмоқдаман. Ҳаётдаги мақсадим келажакда юртимиз учун фойдаси тегадиган етук ёшларни тарбиялашдан иборат.

Биз киммиз, аждодларимиз ким эди, миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди, деган саволларга жавоб излаб, улар билан фахрланамиз. Албатта, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилаётган ёшлар сафининг янада кенгайиши истагидамиз. Биз маррани баланд олиб яшаётган ёшлар бугунимиз кечагидан обод, эртамиз бугунимиздан-да фаровон бўлишига ишонамиз.

(Ўз мухбиримиз)





КАСБ-ҲУНАР СИРЛАРИ ЎРГАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда ёшларимизни билимли, ҳунарли, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топиши учун барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ундан самарали фойдаланиб ютуқларни қўлга киритаётган ўғил-қизларимиз сафи борган сайин кенгаймоқда.

Бугунги кунда республикамизда ўқувчи-ёшларга турли касб-ҳунар сирларини ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва қизиқишларига кўра мактабда олган билимларини ривожлантириш, амалиётда мустаҳкамлаш мақсадида "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолият юритмоқда.

Юнусобод тумани "Баркамол авлод" болалар маркази ҳам ана шундай хайрли мақсад йўлида иш олиб бормоқда. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, турли хил ҳунарларни ўрганишда марказнинг ўрни катта.

Марказда 33 та тўгарак — техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича тўгарак аъзолари таҳсил олмоқдалар. Бундан ташқари болалар стол тенниси, шахмат-шашка тўгаракларига катта қизиқиш билан қатнашмоқда. Ёз мавсумида 350 дан зиёд ўқувчилар тўгаракларда ҳунар ўрганишга муваффақ бўлишган. Бу эса янги ўқув йилига куч ва ғайрат тўплаш имконини берди.

Бинода барча шарт-шароитлар яратилган ҳолда фаолият юритаётган марказ кўплаб ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Марказнинг энг фаол, иқтидорли тўгарак аъзолари туман ва шаҳар миқёсидаги кўрик-танловларда қатнашиб, ўз истеъдодларини намоён этишмоқда.

— Марказ ўз фаолиятини ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларга меҳнатсеварликни сингдиришга, шунингдек, уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишига йўналтирилган мактабдан ташқари ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида фаолият юритиб келмоқда, — дейди Юнусобод тумани "Баркамол авлод" болалар марказининг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Шоҳиста Очилова. — Шу ўринда ёш авлод жамиятимизнинг асосий бўғини эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўғил-қизларни тарбиялаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, бўш вақтларини самарали меҳнатга сарф этиш мактабдан ташқари таълимнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Зарина РУСТАМОВА

Спорт янгиликлари

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНМОҚДА

Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида футбол бўйича 15 сентябрь – 2 октябрь саналарида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичида қатнашадиган 16 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоасининг таркиби эълон қилинди.

Маълум қилинишича, Темур Олимхўжаев бошчилигидаги мураббийлар штаби Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига номзод футболчиларни йил давомида ўтказилган йиғинлар давомида саралаб борди. Словакияда ўтказилган якуний йиғиндан сўнг бош мураббий қитъа биринчилигига олиб кетиладиган 22 футболчи борасида якуний тўхтамга келди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати финал босқичи учун ташланган қуръа натижаларига кўра "D" гуруҳидан ўрин олган. Ушбу гуруҳда ҳамюртларимизга Шимолий Корея, Таиланд ва Яман ўсмирлар терма жамоалари рақиб бўлади. Вакилларимиз биринчи турни 17 сентябрь куни Таиландга қарши ўйин билан бошлайди.

КУЧЛИ БОКСЧИЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

Спорт йўналишида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари томонидан келажакда кичик Флойд Мейвезер ёки афсонавий Майк Тайсон каби юқори натижаларга эришиши мумкин бўлган иқтидорли боксчилардан ўзига хос рўйхат тузиб чиқилди.

Қувонарлиси, мазкур рўйхатдан ўзбек боксчиси, олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўсматов ҳам ўрин эгаллади.

– Кичик ўзбек "торнадо"-си Бразилиядаги олимпиаданинг илк чемпиони ва бокс беллашувлари якунига кўра, Вэл Баркер кубоги соҳиби бўлди. Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси учун 23 ёш профессионал боксга ўтишга қулай вақт. Дўсматовнинг бу муваффақияти кутилмаган бўлди. Сўнгги бир неча йилда Ҳасанбой қозоғистонлик Биржан Жакиповни Осиёнинг энг яхши боксчиси деган унвондан маҳрум қилди. Бу албатта ажойиб натижа, – дейилади нашрларда.

Ушбу рўйхатга Ҳасанбойдан ташқари Рио-де-Жанейро олимпиадасида иштирок этган яна 8 нафар иқтидорли боксчи киритилган. Булар — Василий Левит (Қозоғистон), Йоэль Финьоль (Венесуэла), Жошуа Буатси (Англия), Шакур Стивенсон (АҚШ), Филипп Хргович (Хорватия), Робейси Рамирес (Куба), Хулио Сесар Ла Крус (Куба) ва Тони Йока (Франция).

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК!

Республикамизда ҳар йили кузги-қишги мавсумга барча соҳада тайёргарлик кўрилади. Бу жараёнда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдига ҳам катта вазифалар қўйилади.

Миробод тумани ИИБ ЁХБ томонидан ҳам бу борада бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, туман ҳудудида жойлашган аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлари, айниқса мактаб, мактабгача таълим муассасаси, махсус мактаб интернатлари, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда даволаш муассасаларининг ёнғинга қарши ҳолатлари текшириб чиқилмоқда. Туман ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан тўғри, оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан кенгайтирилган йиғилишлари ўтказилиб келинмоқда.

Олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамасдан аҳоли турар жойларида оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига кўпинча риоя қилинмаслиги оқибатида кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда. Ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларга бепарво қарамаслик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида дудбуронлар вақтида тозаланишига, электр ва газ мосламаларининг доимо созлигини назорат қилинишига эътибор билан қарасак, ҳам давлат мулки, ҳам ўз мулкимизни асраган бўламиз.

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясига қарашли Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 3-уй манзилида жойлашган ошхона биносининг 92 кв.м. майдонини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ижарага олиш шартлари:

– танловда давлат рўйхатидан ўтган, махсус моддий-техник базаси (замонавий технологик жиҳозлар)га эга ҳамда таомлар тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислари мавжуд бўлган талабгорлар иштирок этишлари мумкин;

– ошхона мол-мулки ва жиҳозларидан самарали фойдаланиш;

– коммунал тўловлар ва эксплуатация харажатларини ўз вақтида тўлаш;

– талабгорнинг 300 ўринли ошхонани бошқариш бўйича 3-5 йиллик амалий иш малакаси бўлиши лозим.

Танлов учун ҳужжатлар 2016 йил 17 сентябрь куни соат 17:00 га қадар Солиқ академиясида қабул қилинади.

Тендер комиссияси 2016 йил 22 сентябрь куни соат 10:00 да Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 3-уй манзилида жойлашган Солиқ академияси биносида ўтказилади. Мўлжал: Тошкент Солиқ коллежи ёнида. Мурожаат учун тел: 230-90-08, 230-16-41.

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми асосида берилган 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар тақроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси РВ 476 Т77, кузов ZHWGE11S14LA 01386 олча (қизил)рангли, "Lamborghini Gallardo" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 615 583 497 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси "Тошкент ОРМЗ".

2016 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012-йил 16-февралдаги ҳукуми асосида берилган ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10ВЕ429, двигатель 60199, кузов рақами самосвал, хаки рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-5511 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 30 283 200 сўм.

2. 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10ВЕ430, двигатель 60941, кузов рақами самосвал, тўқ сариқ рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-5311 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 23 584 500 сўм.

3. 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10ВА712, двигатель 812046, кузов рақами контейнеровоз, пушти рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-5320 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 29 367 000 сўм.

4. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 AZ 010, двигатель 696772, кузов рақами контейнеровоз, сариқ рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-55102 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 25 272 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-мавзук кўчаси, 3-уй.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99890 725-88-80.**

Гувоҳнома №4621.

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Қуйичирчиқ туманлараро судининг 13.06.2016 йилдаги 1083/16-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туман, Пахтазор маҳалласида жойлашган "Мустақиллик пахта тозалаш" АЖ ҳудудида сақланаётган "Ласетти" русумли, бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм, д/р 30Т 9909 бўлган, 2006 йил и/ч, ранги оқ автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 октябрь соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 октябрь соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ушбу автотранспорт воситаси бўйича олдин "Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 1 мартдаги 43-сонида хабарномаси чоп этилган.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 7 **сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 **сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ